

ЛИНГВИСТИК АТАМАЛАР ИЗОХИНИ ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМА
ОРҚАЛИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ

Najmiddinov Muhammadjon G'ayraton o'g'li

*Қўқон университети Таълим факультети декани
Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Аннотация: Мазкур мақолада лингвистик терминларнинг электрон база кўринишида шакллантириш усул ва воситалари ҳамда лингвистик атамалар электрон платформасини шакллантиришдаги долзарб масалалар ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: лугат мақоласи, ареал, термин, атама, деривация, электрон лугат, интерфейс, платформа, онлайн лугат.

Маълумки, ҳар қандай лугатнинг асосий қисми – унинг лугат мақоласи. Лугат мақсадига кўра унинг лугат мақоласи, яъни лугат микроструктурасининг тузилиши ҳар хил бўлади. Шу билан бирга, атаманинг изоҳи, помета, иллюстратив мисол, пометанинг бўлиш/бўлмаслиги лугат туридан келиб чиқиб фарқланади.

Таъкидлаш лозимки, атаманинг инглиз тилидаги эквивалентини топиш учун бошқа лугатларга камдан-кам ҳолларда мурожаат этиш зарурати туғилди, чунки рус тилидаги атамалар изоҳидан бир қанча терминларнинг инглиз тилига таржимаси ҳам жой олган. Бу эса инглиз тилидаги эквивалентни тўғри танлашнинг оптимал усулидир. Аммо барча атамаларнинг таржимасини топиш учун рус тили лингвистик атамалар лугатининг охирида берилган инглиз тилидаги атамалар кўрсаткичи орқали топиш мумкин. Бу ерда гап фақат эквивалент хусусида; изоҳлар ҳақида бундай дейиш қийин. Хулоса шуки, эквивалентларни топиш учун турли манбаларга мурожаат қилиш керак эмас, уларни маълум бир тилдаги манбанинг таржимада берилган кўрсаткичлардан топиш мумкин.

Шундай умумлингвистик атамалар борки, улар ўзбек ва рус тилидаги атамалар лугатида мавжуд, аммо инглиз тилидаги атамалар лугатидан айнан ўша бирикманинг эквиваленти мавжуд эмас ёки тескариси (инглиз ва рус тилидаги лугатда мавжуд, ўзбек тилидаги лугатда йўқ). (Бундай ҳолат, асосан, таркибли бирикмаларга тегишли. Табиийки, бундай умумлингвистик тушунчалар барча тилларнинг тилшунослиги учун бирдек аҳамиятли, аммо бу лугатларда акс этмаган: турли омилларга кўра тушиб қолган. Мана шундай ҳолатда таржима лугатлари, инглиз тилидаги изоҳли лугатларга мурожаат қилиш зарурати туғилади¹¹. Масалан, буни қуйидаги атамалар эквивалентлигини шакллантиришда кузатиш мумкин:

¹¹ <https://publications.hse.ru/mirror/pubs/share/folder/girc1vdp51/direct/74401632.pdf>

БОШ ҲАРФ	БОШ ҲАРФ	LETTER	ЗАГЛАВНАЯ БУКВА
	Кичик ҳарфдан айримлари ҳажми билан, айримлари эса шакли билан ҳам фарқланадиган ва имло қоидалари асосида маълум ўринларда ишлатиладиган ҳарф: А, Б, В ва б. <i>Қиёс.</i> Кичик ҳарф.	a symbol that is used in written language and that represents a sound in that language	То же, что буква прописная (см. буква).

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, ўзбек тилидаги *бош ҳарф* атамаси рус тилидаги *заглавная буква* бирикма шаклидаги атамага тўғри келади: ўзбек ва рус тили атамалари луғатида бирикма шаклида мавжуд. Инглиз тилидаги манбалар¹² да бу атама учрамади. Тўғри, ишлаб чиқиладиган тилларнинг манбаларида сўзлик сони тенг эмас: ўзбек тили атамалари изоҳли луғати¹³ да 1 700 атама; рус тили атамалари луғати¹⁴ да 7 000 мингга яқин атама; инглиз тилидаги манбаларда 4 000 га яқин атамалар келтирилган. Табиийки, барча атамаларнинг эквиваленти мавжуд эмас, бунга ҳолат ҳам йўқ. Кўп тилли электрон луғат сўзлигини шакллантиришда, асосан, А.Ҳожиев томонидан таклиф этилган 1700 атама, шунингдек, бу луғатга кирмаган, аммо бугунги лингвистик тадқиқотларда фаол қўлланилувчи, рус ва инглиз тили луғатларида мавжуд атамаларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Юқорида келтирилган жадвалда инглиз тилидаги манбада *ҳарф* деган таъриф киритилган, чунки *бош ҳарф* деган атаманинг изоҳи йўқ. Шу сабабли мавжуд изоҳни мувофиқлаштириш, тўлдириш талаб этилади. Бунинг учун ўзбек ёки рус тилидаги энг мақбул изоҳ танлаб олиниб, таржима қилиниши кифоя. Муаллифнинг ўзи изоҳ ёзишига эҳтиёж қолмайди. Жадвалда кўриниб турганидек, бу атаманинг изоҳи ўзбек тилида мукамалроқ берилган. Шу сабабли изоҳ ўзбек тилидан таржима қилинади.

Ўзбекча: *Кичик ҳарфдан айримлари ҳажми билан, айримлари эса шакли билан ҳам фарқланадиган ва имло қоидалари асосида маълум ўринларда ишлатиладиган ҳарф: А, Б, В ва б.*

Инглизча: *A letter, some of which differs in size and some in shape and is not used in certain places on the basis of spelling rules: A, B, V and b.*

Бундай ҳолат бошқа тилда ҳам учрайди. Масалан, *лингвистик география* атамаси

¹²[https://www.cambridge.org/core/books/cambridge-dictionary-of-linguistics/020FAAA378FE9F40D98488118A0C2187/listing?q=haplology&_csrf=6JIPz8UU-sZJ6CkyJkC4UzxTExLN14iDfD6o&fts=yes&searchWithinIds=020FAAA378FE9F40D98488118A0C2187&aggs%5BproductTypes%5D%5Bfilters%5D=BOOK_PART; https://glossary.sil.org/term; Haruko M. Glossary of Linguistic Terms \(https://onlinelibrary.wiley.com/doi/pdf/10.1002/9781444302851.gloss\)](https://www.cambridge.org/core/books/cambridge-dictionary-of-linguistics/020FAAA378FE9F40D98488118A0C2187/listing?q=haplology&_csrf=6JIPz8UU-sZJ6CkyJkC4UzxTExLN14iDfD6o&fts=yes&searchWithinIds=020FAAA378FE9F40D98488118A0C2187&aggs%5BproductTypes%5D%5Bfilters%5D=BOOK_PART; https://glossary.sil.org/term; Haruko M. Glossary of Linguistic Terms (https://onlinelibrary.wiley.com/doi/pdf/10.1002/9781444302851.gloss))

¹³ Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 158 б.

¹⁴ <https://classes.ru/grammar/174.Akhmanova/>

Ўзбек тилининг атамалар луғатида қисқача изоҳланган; рус тилида атама сўзликка киритилган, аммо изоҳ қисмида фақат бошқа атамга ҳавола бор, холос. Демак, бу эквивалентликда рус тилидаги изоҳни тўлдириш керак бўлади.

Лингвистика ареальная англ. areal linguistics, фр. théorie des aires, нем. Areallinguistik. 1) Раздел языкознания, занимающийся изучением лингвистических ареалов; ср. лингвистическая география¹⁵.

Шундай қилиб, рус тилидаги изоҳга берилган ҳаволар орасида тўғри изоҳ топилди. Шу сабабли энг мақбул изоҳ сифатида энг сўнгги келтирилган изоҳни танлаш ва лингвистик маълумотлар базасига киритиш мумкин бўлади.

Аммо шундай атамалар борки, уларнинг эквивалентига изоҳни ҳавола орқали ҳам топиш имкони йўқ. Масалан, *илмий услуб* атамаси ўзбек тилидаги атамалар луғатида келтирилган, аммо бу атама инглиз, рус тилидаги луғат сўзликка киритилмаган. Бундай ҳолатда иккала тилдаги атаманинг изоҳини ҳам ўзбек тилидаги изоҳни таржима қилиш орқали шакллантиришга тўғри келади. Чунки бу атамани сўзликдан чиқариб ташлаб бўлмайди; у ўзбек тилидаги илмий матнларда кўп учрайди, шу сабабдан унинг атама сифатидаги изоҳи келтирилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекча тилидаги изоҳ: *Функционал услубнинг бу тури терминологик ва мавҳум лексиканинг, мураккаб синтактик тузилмаларнинг қўлланиши, сўзларнинг асосан конкрет, тўғри маънода қўлланиши, махсус ибораларга эгаллиги ва ш.к. билан ажралиб туради. Илмий услуб ўз ичига қуйидаги майда услубларга бўлиниди: илмий-техник услуб, илмий-иш услуби, илмий-оммабон услуб, илмий-публицистик услуб¹⁶.*

Рус тилига таржимадаги изоҳ: *Для этого типа функционального стиля характерно использование терминологической и абстрактной лексики, сложных синтаксических структур, отличается использование слов в основном в конкретном, правильном смысле, владение специальными выражениями и т.д. Научный метод делится на следующие подметоды: научно-технический метод, научно-рабочий метод, научно-популярный метод, научно-публицистический метод.*

Инглиз тилига таржимадаги изоҳни қуйидагича шакллантириш мумкин: *This type of functional style involves the use of terminological and abstract vocabulary, complex syntactic structures, This style is distinguished by the use of words mainly in a concrete, literal sense, the possession of special expressions, and so on. The scientific method was divided into the following sub-methods: scientific-technical method, scientific-working method, scientific-popular method, scientific-journalistic method.*

Юқоридаги изоҳда курсив шрифт билан ажратиб кўрсатилган қисм биз эквивалент сифатида қидираётган *вспомогательный глагол* атамасининг изоҳидир. Шундан келиб чиқиб, ушбу эквивалентларнинг изоҳи маълумотлар базасида қуйидаги қўринишда бўлади:

Эквивалентларнинг изоҳини шакллантиришда яна бир муаммо – бир атаманинг уч тилнинг луғатидан бири ёки иккисида сўзлик сифатида ажратилмаслиги масаласи.

¹⁵ https://classes.ru/grammar/174.Akhmanova/source/worddocuments/_14.htm

¹⁶ Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 158 б. – Б. 43.

Қайсидир атама луғат сўзлиги сифатида ажратилмаган, лекин бошқа бир мақола ичида шу атамага *айн.* деган помета қўйилган: бу атама ўзи билан синонимлик ҳосил қилувчи атама мақоласи ичида термин сифатида берилган. Буни бугунги ўзбек лингвистик терминологиясида фаол қўлланаётган, инглиз тили луғатида мавжуд, аммо ўзбек тилидаги терминлар сўзлиги сирасида ажратилмай, бошқа бир атамадан ҳавола олинган *деривация* атамаси мисолида таҳлил қиламиз. *Деривация* атамаси инглиз тилидаги лингвистик атамалар глоссарийси сўзлигида алоҳида атама сифатида ажратилади ҳамда қуйидагича изоҳланади:

Definition: Derivation is the formation of a new word or inflectable stem from another word or stem. It typically occurs by the addition of an affix. The derived word is often of a different word class from the original. It may thus take the inflectional affixes of the new word class. **Discussion:** In contrast to inflection, derivation: is not obligatory; typically produces a greater change of meaning from the original form, and; is more likely to result in a form which has a somewhat idiosyncratic meaning; often changes the grammatical category of a root¹⁷.

Изоҳдан кўриниб турибдики, *деривация* атамаси қисқа, лўнда таърифланган.

Ўзбек тилининг лингвистик терминлар луғатида атама сифатида ажратилган, аммо изоҳланмаган, балки бошқа луғат мақоласига *айн.* пометаси билан ҳавола қилинган:

Деривация (лот. derivation – ясалиш) – **айн.** Аффиксал сўз ясалиши¹⁸.

Ҳавола қилинган луғат мақоласида эса ушбу атамага айнан мос келувчи таъриф мавжуд. Таърифдан кейин қ. пометаси орқали *деривация* атамасига ҳавола қилинган:

Аффиксал сўз ясалиши. Асосга аффикс қўшиш йўли билан сўз ясалиши: терим (тер+им), теримчи (терим+чи), сўзла (сўз+ла) кўрик (кўр+ик) каби. **Қ. Деривация**¹⁹.

Луғатнинг кириш қисмида муаллиф бу пометаларнинг функцияларини қуйидагича изоҳлаган: “**Айн.** белгиси терминнинг ҳавола қилинаётган (айн. белгисидан сўнг келаётган) термин билан айнан бир хил маъноли эканини билдиради ва шу терминнинг асосий вариант эмаслигини, асосийси **айн.** белгисидан кейинги термин эканлигини кўрсатади.

Катта ҳарф – айн. Бош ҳарф.

Тасвирий шакл – айн. Аналитик шакл.

Қ. белгиси шу терминга алоқаси бўлган терминлар учун тузилган луғат мақоласига қарашга ундайди. Бу терминлар учун тузилган луғат мақоласига қараш билап изоҳланаётган терминнинг мазмунини, у билдирадиган лингвистик тушунчанинг моҳиятини осон, аниқ ва тўла тушуниш имкони туғилади²⁰. Бундан келиб чиқадики, **айн.** помета билан ҳавола қилинган атамаларнинг изоҳини луғат

¹⁷ <https://glossary.sil.org/term/derivation>

¹⁸ Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 158 б. – Б. 33.

¹⁹ Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 158 б. – Б. 19.

²⁰ Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 158 б. – Б. 6.

лингвистик базасининг керакли катакчасига жойлаштириш ҳамда айн келган атамаларнинг бирининг изоҳини иккинчисига қўллаш мумкин бўлади.

Ушбу атаманинг рус тилидаги манбаги изоҳи куйидагича:

Деривация (аффиксальное словообразование) англ. derivation, фр. derivation, нем. ableitung, исп. derivación. Образование новых слов при помощи аффиксов (или посредством деаффиксации) согласно словообразовательным моделям, свойственным данному языку. Деривация вторичная англ. secondary derivation, нем. sekundäre ableitung. Деривация от производной основы. Деривация первичная англ. primary derivation, нем. primäre Ableitung. Деривация от корня. Деривация прогрессивная. То же, что аффиксация. Деривация регрессивная англ. back-formation, фр. dérivation régressive (rétrograde), нем. Rückbildung, исп. derivación regresiva. То же, что деаффиксация (во 2 знач.)²¹.

Кўринадики, ушбу атама рус ва инглиз тилидаги манбаларда бош сўз сифатида қайд этилган ва рисоладагидек изоҳланган. Шудан келиб чиқиб, лингвистик базадаги эквивалентлик кўриниши ва изоҳлари куйидагича шакллантирилади:

Маълум бир тил электрон платформа интерфейси, тузилиши ва қидирув тизимини тавсифлашдан олдин жаҳон лексикографиясининг бу борада эришган ютуқларини ўрганиш фойдадан холи бўлмайди.

Электрон луғатлар, одатда, алоҳида сайт сифатида ишлаб чиқилади. Шу сабабли биз лойиҳасини яратаётган луғат ҳам веб-форматда ишлаб чиқилиши кўзда тутилиши лизим. Табиийки, веб-формат ва илова шаклида ишланган маҳсулотларнинг дастурий таъминоти ва лингвистик базасида ҳам фарқлар, ўзига хос ёндашувлар мавжуд. Сайт кўринишини олган электрон платформа ва луғатлар махсус интерфейсга эга бўлиши керак.

Онлайн луғат – Интернетда жойлаштирилган электрон луғат, улар турли таълимий, дидактик мақсадларда кенг фойдаланилмоқда. Онлайн луғат, асосан, турли қидирув порталлари ёки қидирув тизимлари (yandex.ru, gambler.ru, mail.ru) томонидан жойлаштирилади. Жаҳон тажрибасида онлайн луғатларнинг уч кўриниши мавжуд:

- 1) қоғоз версияларига тўлиқ мос келадиган муаллифлик луғатлари;
- 2) муаллифлик ҳуқуқига риоя қилмасдан муаллифлик қоғоз луғатларни сканерлаш натижасида олинган пират луғатлар;
- 3) муаллифлик ҳуқуқи ва пират луғатлар асос бўлган аралаш версиялар²².

Электрон луғат – морфологик бирлик, сўз бирикмасини қидириш, шунингдек, таржима йўналишини ўзгартириш қобилятини (масалан, инглиз-рус ёки рус-инглиз) ҳисобга олган ҳолда керакли сўзни тезда топишга имкон берадиган луғат типи. Уларнинг луғат мақоласи маълумотлар базаси сифатида тартибга солинган бўлади. Машинада ўқиладиган луғатлар (Machine-readable dictionary) компьютер дастури томонидан турли муаммоларни ҳал қилиш (масалан, табиий тилдаги сўзларни қайта

²¹ https://classes.ru/grammar/174.Akhmanova/source/worddocuments/_8.htm

²² <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9E%D0%BD%D0%BB%D0%B0%D0%B9%D0%BD-%D1%81%D0%BB%D0%BE%D0%B2%D0%B0%D1%80%D1%8C>

ишлаш) учун ишлатилади. Машинада ўқиладиган луғатлар электрон луғатларнинг бир туридир.

Электрон (автоматик) луғат – компьютер дастурининг бир қисми сифатида ишлайдиган махсус машина форматидаги луғат. Бугунги кунда турли хил луғатларнинг электрон версиялари кенг тарқалган. Анъанавий луғатдан фарқли ўлароқ, электрон луғат матн ва график тасвирлар билан бир қаторда, видео, анимация фрагментлари, овоз, мусиқа каби элементлардан ташкил топган турли медиа объектларни ўз ичига олиши мумкин.

Фойдаланувчи типига кўра электрон луғатларни икки турга бўлиш мумкин:

1) фойдаланувчи учун автоматик луғатлар;

2) сўзларни қайта ишлаш дастурлари учун автоматик луғатлар (ахборот-қидирув тезауриси, частотали луғат, таснифлагич, морфологик таҳлил луғати; машина таржимаси учун луғат).

Ҳар бир зонада луғат маълумотларининг махсус тури мавжуд: лемма, грамматик маълумот ёки стилистик белги, маъно/изоҳ майдончалари. Анъанавий қоғоз луғатларга қараганда электрон луғатда кўпроқ майдонлар мавжуд²³. Электрон луғатнинг муҳим хусусияти унинг гиперматнли қурилмасидир. Сўз, ибора ёки расмга ўрнатилган ҳавола фойдаланувчига матн ёки расмни танлаш, дарҳол тегишли маълумот/мултимедиа таркибини экранда кўрсатиш имконини беради²⁴.

Платформа (франц. plate-forme, плат – ясси va forme – шакл) – 1) баланд майдонча; 2) кичикроқ темир йўл станцияси; 3) кичик бортли очиқ юк вағони; 4) сиёсий II – алоҳида партия, гуруҳ, ижтимоий ташкилотлар томонидан олға суриладиган сиёсий дастур²⁵.

Юқоридаги таърифлардан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, электрон луғат маълумотлари автоматик қайта ишланадиган, электрон ташув воситаларида сақланадиган, ҳажми чераланмаган маълумотларни қабул қила оладиган, сўров ва маълумотни автоматик ишлов бера оладиган, дастурий ва лингвистик таъминот асосида ишлайдиган луғатдир. Электрон платформа эса маълум мақсадда турли электрон восита/дастурий маҳсулотни бир сайт(майдон)да тўплаш оладиган қидирув тизими ва веб саҳиси дейиш мумкин.

Компьютер ишлаши учун аппарат (Hardware) таъминотидан ташқари дастурий (Software) таъминот ҳам муҳим. Компьютер тизимини ташкил этувчи бу икки воситанинг ўзаро алоқаси интерфейс дейилади. Интерфейс бир неча турга бўлинади: аппаратли интерфейс; дастурий интерфейс; аппаратли-дастурий интерфейс. Аппаратли интерфейсни компьютер қурилмаларини ишлаб чиқарувчи томон таъминлайди. Дастурий таъминот билан аппаратли таъминот ўртасидаги мутаносибликни операцион система бошқаради. Компьютерли тизим самарали ишлаши учун аппаратли ва дастурий таъминотдан ташқари фойдаланувчи ҳам

²³ <https://studfile.net/preview/2532712/page:3/>

²⁴ <https://studfile.net/preview/2532712/page:3/>

²⁵ <https://uz.wikipedia.org/wiki/Platforma>

қатнашади. Фойдаланувчи компьютерда ишлаши жараёнида унинг аппаратли таъминоти билан ҳам, дастурий таъминоти билан ҳам алоқада бўлади. Инсоннинг дастур билан, дастурнинг инсон билан мулоқатга киришиш усули **фойдаланувчи интерфейси** дейилади. Дастурлар хилма-хил бўлганлиги сабабли уларнинг интерфейси ҳам турлича бўлади. Фойдаланувчи интерфейсини хусусиятларига кўра бир нечта турга ажратиш мумкин. Дастурнинг ишлаш муҳитига қараб, дастур нографик ёки график интерфейсга эга бўлади²⁶.

Мазкур таърифдан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, электрон платформанинг интерфейси ушбу маҳсулотдан фойдаланувчи учун дастлабки таассуротни ҳосил қилади. Шу сабабли интерфейс қулай, тушунарли, содда дизайнли бўлиши мақсадга мувофиқ. Ўзбекча-инглизча-русча лингвистик атамаларнинг электрон платформаси интерфейси унинг бутун мазмуни ва мундарижасини ифодалаб туриши лозим. Интерфейсда электрон луғатнинг таркиби ҳақидаги қуйидаги маълумотлар акс этиши лозим:

- 1) луғат ҳақида умумий маълумот;
- 2) электрон платформа харитаси;
- 3) электрон платформадан фойдаланиш бўйича йўриқнома;
- 4) ўзбекча-инглизча-русча атамалар луғати;
- 5) қидирув ойналари.

Саналганлар луғат ҳақидаги дастлабки маълумотлар саналади.

Бир/кўп тилли луғат платформалари интерфейсини ўрганишларимиз шуни кўрсатдики, асосий интерфейс(бош саҳифа)да имкон қадар чалғитувчи маълумот ёки ойналардан чекланиш мақсадга мувофиқ.

Рус тили лингвистик атамалар онлайн луғатининг дастлабки саҳифаси (интерфейси) электрон луғат ҳақида умумий маълумот, чап қисмида алифбо тартибида луғат сўзлигига ҳавола келтирилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 158 б. – Б. 6.
2. Абдиев М. Кўнчилик терминологияси хусусида // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. – 2002., №5. – Б.79-82.;
3. Абдиев М. Самарқанд воҳаси касб-ҳунар терминларини ўрганиш бўйича дастлабки қайдлар // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. – 2001., №3. – Б.79-81.;
4. Абдиев М. Соҳа лексикасининг систем таҳлили муаммолари. – Тошкент: Халқ мероси, 2004. – 121 б.;
5. Абдуллаев А. Кўчирма гап ва унга боғлиқ терминлар // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. – 1971., №3. – Б.38-39.;
6. Абдуллаев О., Шоаҳмедов Э. Ўзбек тилида ҳисоблаш техникаси терминларининг ясалишига доир // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. – 1970., №3. – Б.63-65.;

²⁶ <http://ask.ziyounet.uz/ru/question/1717>

7. Абдуллаева Ч.С. Русско-узбекские параллели в современной экономической терминологии: автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 2000. – 22 с.;
8. Абдуразаков А.А., Назиров Э.Н. Русско-узбекский словарь терминов по ядерной физике. – Ташкент: Главная редакция Узбекской Советской Энциклопедии, 1988. – 231 с.;
9. Абрамова Н.Н. Формирование многоязычных словарей и их использование при кросс-языковом поиске информации / Н. Н. Абрамова, Е. И. Глобус // Интернет-математика 2005. Автоматическая обработка веб-данных. – М., 2005. – С. 18-37. (<https://elar.urfu.ru/handle/10995/1386>)
10. Абрамова Н.Н., Глобус Е.И. Формирование многоязычных словарей и их использование при кросс-языковом поиске информации // <https://elar.urfu.ru/handle/10995/1386>
11. Авербух К.Я. Терминография: традиционное и специфическое. // Теория и практика научно-технической лексикографии. – М., 1988. – С. 27-34.
12. Алексеева Л.М. Проблемы термина и терминообразования: Учебное пособие по спецкурсу. – Пермь, 1998. – 120 с.
13. Адиханов Д. Формирование экономической терминологии в современном арабском литературном языке: дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 2010. – 144 б.
14. Азаров А.А. Англо-русский энциклопедический словарь искусств и художественных ремесел = The english-russian encyclopedic dictionary of the arts and artistic crafts: в 2 т. / А.А.Азаров; Моск. психол.-социал. ин-т. – М.: Флинта: Наука, 2007. – Т. 1. – 647 с.; Т. 2. – 655 с. – С. 651-655.
15. Азаров А.А. Англо-русский энциклопедический словарь искусств и художественных ремесел = The english-russian encyclopedic dictionary of the arts and artistic crafts: в 2 т. / А.А.Азаров; Моск. психол.-социал. ин-т. – М.: Флинта: Наука, 2007. – Т. 1. – 647 с.; Т. 2. – 655 с. – С. 651-655.;
16. Ақобиров С. Терминология луғатларининг типлари ҳақида // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. – 1973., №5. – Б.44-48. ”. (Р.Дониёровнинг шу номдаги асари (Тошкент, 1977) ҳақида) // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. – 1979., №6. – Б.76-78.;
17. Ақобиров С. Терминология ишининг мазмуни ва вазифалари ҳақида // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. – 1964., №3. – Б.31-38.;
18. Ақобиров С.Ф. Математикадан русча-ўзбекча луғат. Ўрта мактаб, ўрта махсус ва олий таълим учун. – Тошкент: Ўқитувчи, 1972. – 344 б.
19. Александровская Л.В. Семантика термина как члена общелитературной лексики (на м-ле английской морской терминологии): Автореф. дис. канд. филол. наук М., 1973. – 24 с.
20. Александровская Л.В. Семантика термина как члена общелитературной лексики (на м-ле английской морской терминологии): Автореф. дис. канд. филол. наук М., 1973. – 24 с.;